

## КАСБ СТАНДАРТИ

Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси  
(касб стандарти номланиши)

Рўйхатга олиш рақами

### I. БЎЛИМ УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Умумий ўрта таълимда педагогик фаолият  
(касбий фаолият турининг номланиши)

P.003

код

**Мутахассислик фаолияти турининг асосий мақсади:**

Таълим муассасалари (таълимни амалга оширувчи ташкилотлар) томонидан асосий умумтаълим дастурлари бўйича таълимий хизматларни амалга ошириш.

**Фаолият гуруҳи:**

2310 2330	Таълим соҳаси мутахассислари	3310	Бошланғич таълим ўқитувчилари
(ММСК бўйича код)	(номи)	(ММСТ бўйича код)	(номи)

**Иқтисодий фаолият турларига тааллуқлилиги:**

85.3	Ўрта таълим
85.31	Умумий ўрта таълим
(ИФТК-2 коди)	(иқтисодий фаолият турининг номланиши)

**II. БЎЛИМ**  
**КАСБ СТАНДАРТИГА КИРИТИЛГАН МЕХНАТ ВАЗИФАЛАРИНИНГ**  
**ТАСНИФИ**

**(касбий фаолият турининг вазифалари харитаси)**

Умумлаштирилган меҳнат вазифалари			Меҳнат вазифалари		
Код	Номланиши	Малака даражаси	Номланиши	Код	Малака даражаси (нимдаражаси)
А	Таълим ва тарбия жараёнини бошқариш	6	Ўқув жараёнини режалаштириш	А/01.6	6
			Таълим самарадорлигини таъминлаш (таълим дастурини амалга ошириш)	А/02.6	6
			Ўзлаштиришни баҳолаш ва қайта алоқани тақдим этиш	А/03.6	6
			Тарбиявий фаолиятни ташқил этиш	А/04.6	6
			Хавфсиз ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш ва таъминлаш	А/05.6	6
В	Касбий ривожланиш ва ҳамкорлик	6	Ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий ўсиш	В/01.6	6
			Ҳамкасблар ва таълим олувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик	В/02.6	6

### III. БЎЛИМ

#### Умумлаштирилган меҳнат вазифаларининг тавсифи

#### 3.1. УМУМЛАШТИРИЛГАН МЕҲНАТ ВАЗИФАСИ

Номланиши Таълим ва тарбия жараёнини бошқариш

Коди

А

Малака  
даражаси

6

Умумлаштирилган  
меҳнат  
функциясининг  
келиб чиқиши

Асли ("+" белгиси қўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси қўйилади)	Аслининг	
		коди	рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

<b>Мос лавозимлар (номланиши)</b>	Ўқитувчи Бошланғич (кичик) синфлар ўқитувчиси Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси
<b>Таълим ва ўқитишга қўйиладиган талаблар</b>	Олий маълумот - биринчи даража (бакалавр даражаси). Бўлимларнинг малакасини ошириш дастурлари. Касбий фаолият соҳасидаги амалий тажриба
<b>Амалий иш тажрибасига қўйиладиган талаблар</b>	Тоифасиз ўқитувчи - иш тажрибаси талаб қилинмайди 2-тоифали ўқитувчи - камида 3 йиллик иш тажрибаси 1-тоифали ўқитувчи - камида 5 йиллик иш тажрибаси Олий тоифали ўқитувчи - камида 8 йиллик иш тажрибаси
<b>Фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш учун махсус талаблар</b>	Таълим йўналиши – “Таълим ва педагогика” ёки таълим берилаётган фанга мос келадиган соҳада (кейинчалик педагогик фаолият соҳасидаги касбий қайта тайёрлаш билан). Бошланғич (кичик) синф ўқитувчилари ишга қабул қилинаётганида, ўрта махсус касб-хунар таълими (техникум, касб-хунар коллежи)га йўл қўйилади. Педагогик фаолиятга қўйилмайдиган шахслар: кучга кирган суд ҳукмига мувофиқ педагогик

	фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар; таркиби ва турлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган жиноятлар учун аввал ёки ҳозирги даврда жиноий жавобгарликка тортилганлар; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибла муомалага лаёқатсиз деб топилганлар; белгиланган рўйхат бўйича касалликларга эга бўлганлар.
--	--

### Қўшимча тавсифлар:

Ҳужжатнинг номланиши	Коди	Асосий гуруҳ, лавозим (касб) ёки мутахассислик (ихтисослик)нинг номланиши
ХАЛИКК-2017	2310	Ўқитувчи
ХАЛИКК-2017	2330	Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси
ХАЛИКК-2017	3310	Бошланғич (кичик) синфлар ўқитувчиси

### 3.1.1. Мехнат вазифалари

Номланиши

Ўқув жараёнини режалаштириш.

Коди

A/01.6

Малака даражаси

6

Мехнат вазифаси

Асли ("+" белгиси кўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси кўйилади)	Аслининг	
		Коди	рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

Мехнат ҳаракатлари

Мехнат ҳаракатлари	Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг мақсадларига мувофиқ ўқув режаларини ишлаб чиқиш
	Ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб ўқув дастурини мослаштириш (агар керак бўлса)
	Ўз фаолиятини фанлараро компетенциялар предметининг корреляция ва интеграция тамойилларини инобатга олган ҳолда режалаштириш.
	Ўқувчилар билимини баҳолаш натижасида олинган маълумотларни инобатга инобатга олган ҳолда, дарснинг аниқ ва ўлчамли мақсад ва натижаларини аниқлаб, дарс режасини ишлаб чиқиш.
	Дарснинг мақсадлари, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ўзлаштиришига мос келадиган дарс шакллари ва усулларини режалаштириш.
	Тегишли ўқув, намоёниш ва тарқатма материаллардан

	<p>фойдаланишни режалаштириш.</p> <p>Дарс жараёнига замонавий ахборот технологиялар интеграциясини режалаштириш.</p>
<b>Зарур кўникмалар</b>	<p>Таълимнинг аниқ ва ўлчанадиган натижаларини, шунингдек ушбу натижаларга эришишда аниқ муддатлар (йил, чорак, дарс) учун вазифаларни аниқлаш ва уларни режаларда шакллантириш.</p> <p>Ўқувчиларнинг билимини баҳолаш натижасида олинган маълумотларни инобатга олган ҳолда режаларни мувофиқлаштириш.</p> <p>Фанлараро компетенцияларни фанга сингдириш, ўз фанини бошқа фанлар билан ўзаро боғлаш (корреляция).</p> <p>Замонавий ахборот технологияларини фанга сингдириш.</p> <p>Дарс вақтини оқилона режалаштириш, дарснинг мақсад, шакл ва усулларни аниқлаш.</p>
<b>Зарур билимлар</b>	<p>Ўқув режа ва давлат таълим стандартлари, шунингдек мактаб иши билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар (таълим тизимининг тузилиши ва вазифалари - мақсадлари, ҳуқуқий асослари, таълим муассасаларининг ташкил этилиши ва фаолияти).</p> <p>Ўқитиладиган фан давлат таълим стандартлари ва асосий умумтаълим дастури, унинг тарихи, шунингдек жаҳон маданияти ва фанидаги ўрни талаблар доирасида</p> <p>Фанни ўқитишнинг турли усуллари</p> <p>Таълим мақсадларига эришиш учун ҳар хил турдаги режаларни тайёрлашнинг тузилиши ва тамойиллари</p> <p>Таълим жараёнини ташкил этишнинг дидактик тамойиллари</p> <p>Фаолиятни режалаштириш учун АКТ</p>
<b>Бошқа тавсифлар</b>	<p>Ҳуқуқий, одоб ва ахлоқ меъёрларга риоя қилиш, профессионал ахлоқ қоидалари, ижтимоий компетенцияларга эга бўлиш, энг юқори сифат стандартларига эришишга интилиш / сифатга эътибор бериш; инновацияларни қабул қилиш; ўзгаришларни қабул қилиш ва уларга мослашиш истаги; узининг тажрибасини доимий равишда таҳлил қилиш ва касбий амалиётда ўзгаришлар қиритиш.</p> <p>Таълим жараёнини режалаштириш билан боғлиқ компетенциялар ўқитувчилар масъул бўлган фан соҳаси мазмунини англаш ва ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ ўқув-тарбиявий фаолиятни режалаштириш билан боғлиқ.</p> <p>Таълим жараёнини режалаштиришда ўқитувчи замонавий ўқитиш назарияларидан фойдаланиши ва болаларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олиши керак. Ўз ишида ўқитувчи узининг фаолияти билан боғлиқ барча стандартлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни инобатга олиши керак</p>

### 3.1.2. Меҳнат вазифалари

## Номланиши

Таълим самарадорлигини таъминлаш (таълим дастурларини амалга ошириш)

Коди **A/02.6**Малака даражаси **6**Меҳнат  
вазифаси

Асли ("+" белгиси қўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси қўйилади)	Аслининг	
		Коди	рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

Меҳнат ҳаракатлари	Дарс мақсадлари асосида ўқувчилар учун эришимли вазифаларни белгилаш
	Дарс мавзусига мос келадиган намоёиш ва тарқатма материаллардан фойдаланиш
	Дарсда вақтдан оқилона фойдаланиш.
	Таълим жараёнини қўллаб-қувватлаш ва таълимий муаммоларни ҳал қилишда АКТдан фойдаланиш.
	Ўқувчилар билимини баҳолаш натижасида олинган маълумотлар асосида дарсни ташкил этиш ва таълим беришдаги ёндашувларининг самарадорлигини таҳлил қилиш
	Ўқувчиларнинг таълимий мақсадлари ва ёш хусусиятларига мос келадиган ўқитиш усуллари ва ёндашувларини танлаш
	Ўқитишнинг фаол усулларида фойдаланиш (фронтал таълим устун бўла олмайди)
	Умумий ўрта таълимнинг таълим стандартларида белгиланган ўқувчиларнинг асосий компетенциялари ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган усулларида фойдаланиш.
	Ўқувчиларнинг жамоавий ва лойиҳавий ишларини ташкил этиш.
	Ўқувчиларга метакогнитив стратегияни ўргатишда турли ёндашувлардан, шу жумладан режалаштириш, назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларидан фойдаланиш (когнитив носозликларни инобатга олган ҳолда)
	Ўқувчиларга индивидуал таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўз вақтида дифференциал ёрдам бериш
	Дарс мавзусини амалиёт билан (ҳаётдаги мисоллар ёрдамида) боғлаш
	Дарс давомида ҳар бир ўқувчига ўз ғоялари ва қарашларини ифода этиш имкониятини бериш
Ўқувчилар дарсда фаол қатнашишини мотивациялашда	

	уларнинг шахсий қизиқишларидан фойдаланиш
	Ўқувчиларни дарсга қизиқтиришда турли усуллардан фойдаланиш
	Синфда самарали мулоқотни таъминлаш
<b>Зарур кўникмалар</b>	Ўқув дастурининг мазмуни мос келадиган самарали усулларини танлаш, интерфаол методларни қўллаш
	Интерактив усулларни қўллаш
	Педагогик ва психологик билимлардан фойдаланиб, педагогик вазият ва ходисаларни кузатиб бориш, уларни таҳлил қилиш.
	Дарс вақтини оқилона бошқариш, шунингдек масъулиятли ва онгли равишда ўқувчилар ишини ташкил этиш.
	Таълим жараёни самарадорлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.
	Ўқувчиларнинг қизиқишларини уйғотиб, улар билан ишлаш; мустақил ишнинг мазмуни, вазифалари ва шакллари танланг.
	Ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжлари ва қобилиятларини диагностика қилиш.
	Ўқувчиларнинг ижодкорликка, муаммоларни мустақил, шунингдек жамоавий ҳал қилиш ва танқидий фикрлашига эътибор берган ҳолда асосий компетенциялари ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш.
	Мотивацион вазиятларни яратиш, уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва керакли натижаларга эришишда ўз ҳаракатларини ўзгартириш.
	Синфни бошқариш, ўқувчилар ҳамкорликдаги ва лойиха ишларини ташкил этиш.
<b>Зарур билимлар</b>	Таълимнинг асосий назариялари ва самарали ўқитиш усуллари (ва уларни қандай қилиб ўқувчининг шахсий, яхлит ривожланиши билан бо-лаш мумкинлиги).
	Турли хил таълимий эҳтиёжлар, шунингдек иқтидорли ўқувчилар билан ишлашдаги ўзига хос хусусиятларни.
	Инклюзивлик тамойилини амалга ошириш усуллари
	Самарали таълимни таъминлашда халқаро тажрибани таҳлил қилиш усулларини
	Ёшга доир педагогика, психология асослари, болалар билан ишлаш усул ва методларини
<b>Бошқа тавсифлар</b>	Ҳуқуқий, одоб ва ахлоқ меъёрларга риоя қилиш, профессионал ахлоқ қоидалари, ижтимоий компетенцияларга эга бўлиш, энг юқори сифат стандартларига эришишга интилиш / сифатга эътибор бериш; инновацияларни қабул қилиш; ўзгаришларни қабул қилиш ва уларга мослашиш истаги; узининг тажрибасини доимий равишда таҳлил қилиш ва касбий амалиётда ўзгаришлар киритиш; барча болалар ўрганиши ва ривожланиши мумкинлигига ишонч, ҳар бир боланинг шахсини ҳурмат қилиш.

	Таълим дастурини амалга ошириш ўқитувчининг ҳар бир алоҳида ўқувчини самарали ўқитишни таъминлаш компетенциясини белгилайди, бу фаннинг методикаси ва ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мос равишда ўқитиш усулларини амалда самарали қўллаш қобилиятини назарда тутаяди; фаоллаштирувчи ва интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда барча ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш.
--	---

### 3.1.3. Меҳнат вазифалари

Номланиши

Ўзлаштиришни баҳолаш ва қайта алоқани тақдим этиш

Коди **A/03.6**

Малака даражаси **6**

Меҳнат вазифаси

Асли ("+" белгиси қўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси қўйилади)	Аслининг	
		Коди	рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

<b>Меҳнат ҳаракатлари</b>	Таълим натижаларини баҳолаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш
	Таълим натижаларини диагностика қилиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш
	Ўқувчилар томонидан билимларни эгаллаш даражасини (ҳажмини) мунтазам / тизимли равишда кузатиб бориш
	Ўқувчилар эришган ютуқларни натижаларини таҳлил қилиш
	Дарс режаси ва усулларини мослаштиришда таҳлил натижаларидан фойдаланиш
	Ўқувчининг ютуқларини баҳолаш, баҳо асослаб бериш
	Ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолаш орқали, уларни ўқишни давом эттиришга қизиқтириш
	Ўқувчилар таълим жараёнида тўқнашган қийинчиликларини кузатиш ва қайд этиш
	Ушбу синф(гурух)да дарс берадиган ҳамкасблари билан муайян ўқувчининг таълим олишдаги қийинчиликлари тўғрисида маслаҳатлашиш
	Муайян ўқувчининг таълим олишдаги қийинчиликлари тўғрисида тегишли соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиш
<b>Зарур кўникмалар</b>	Ўқувчиларнинг ривожланиш ишларини рағбатлантиришдаги баҳолаш ва баҳолаш жараёнининг турли усулларидан фойдаланишни
	Диагностик ва баҳолаш тестларининг ҳар хил турларини

	ишлаб чиқишни.
	Ўқувчиларнинг турли хил эҳтиёжлари ва қобилиятлари билан боғлиқ ҳолда баҳолаш усуллари ни шахсга йўналтириш
	Ўқитиш методикаси ва амалиётини мослаштиришда ўқувчиларнинг баҳоланишига оид маълумотларини талқин қилиш
	Ўқувчиларга ва ота-оналар(уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га таълим ва баҳолаш натижалари тўғрисида қайта алоқани ўрнатиш учун турли хил стратегиялардан фойдаланиш
<b>Зарур билимлар</b>	Баҳолашнинг замонавий назариялари, баҳолаш усуллари ва уларнинг ўқувчига таъсирини
	Ўқувчиларнинг турли хил таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, диагностика ва баҳолаш тестларини тузиш ва ўтказиш қоидаларини
<b>Бошқа тавсифлар</b>	Ҳуқуқий, одоб ва ахлоқ меъёрларга риоя қилиш, профессионал ахлоқ қоидалари, ижтимоий компетенцияларга эга бўлиш, энг юқори сифат стандартларига эришишга интилиш / сифатга эътибор бериш; инновацияларни қабул қилиш; ўзгаришларни қабул қилиш ва уларга мослашиш истаги; узининг тажрибасини доимий равишда таҳлил қилиш ва касбий амалиётда ўзгаришлар киритиш; барча болалар ўрганиши ва ривожланиши мумкинлигига ишонч, ҳар бир боланинг шахсини ҳурмат қилиш.
	Ўзлаштириш баҳолари ва қайта алоқани ўқитувчининг ўқув жараёнини режалаштириш ва ўтказиш самарадорлигини ошириш бўйича ўқувчиларнинг таълим натижаларини баҳолаш, таҳлил қилиш ва хулосалар бериш бўйича компетенциясини ўз ичига олади, бу шунингдек ўқувчиларга ўзларининг таълим натижаларига эришиш даражаси тўғрисида маълумот қайта алоқа қилиш қобилиятини ўз ичига олади.

### 3.1.4. Мехнат вазифалари

Номланиши

Тарбиявий фаолиятни ташкил этиш

Коди

A/04.6

Малака даражаси

6

Мехнат вазифаси

Асли ("+" белгиси қўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси қўйилади)	Аслининг	
		Коди	рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

<b>Меҳнат ҳаракатлари</b>	Ўқувчиларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ривожланишига ҳисса қўшадиган таълим мақсадлари ва вазифаларини белгилаш.
	Тарбиявий ишларнинг замонавий, шу жумладан интерактив шакл ва усулларини машғулот ва синфдан ташқари ишларида қўллаш
	Тарбия ишларни олиб боришда ўқувчиларнинг жинси, ёши, маданий ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиш.
	Боланинг эмоционал-қадриятли соҳасини ривожлантирадиган вазиятлар ва ходисаларни лойиҳалаштириш (боланинг таъсирчанлик маданияти ва қадриятларнинг йўналишларини)
	Таълим муассасанинг устави ва ички тартиб қоидаларига мувофиқ ўқувчилар учун аниқ одоб-ахлоқ қоидаларини белгилаш ва ўрнатиш
	Ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил қилишда ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш
	Таълим муассасанинг имкониятларини, яшаш жойи ва минтақанинг тарихий-маданий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда синфдан ташқари ишларнинг ҳар хил турларини: ўйин, ўқув-тадқиқот, бадий ва самарали, маданий ва бўш вақтларини ташкил этиш
	Зиддиятларни ҳал қилиш, синфда ва ундан ташқарида мулоқот қилиш учун ижобий муҳит яратишда мулоқот ўтказиш
	Ўзгарувчан кўп маданиятли муҳитда ўқувчиларда бағрикенглик, одоб-ахлоқ ва ҳаётга тайёргарлик бўйича кўникмаларни шакллантириш
Ўқувчиларда когнитив фаоллик, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик, фуқаролик позицияси, меҳнатга лаёқати, соғлом ва хавфсиз турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш	
<b>Зарур кўникмалар</b>	Болаларнинг маданий тафовутлари, жинси, ёши ва индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим фаолиятини ташкил қилиш
	Болалар билан мулоқот қилиш, уларнинг кадр-қимматини тан олиш
	Ўқувчиларни таълим ва тарбия жараёнига жалб қилиш, уларнинг ўқув ва билим фаолиятига қизиқтириш мақсадида ўқув гуруҳларини бошқариш
	Болалар жамоасида ишбилармонлик, дўстона муҳитни қўллаб-қувватлаш
	Ўқувчиларнинг кадр-қиммати ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зиддиятли вазиятда ва / ёки ноқулай шароитларда бўлган болаларга ёрдам бериш
	Ўқувчиларни тенглик, адолат ва ҳурмат тамойиллари асосида бошқалар билан муносабатларни ўрнатишга

	ундаш
	Саёҳатлар, экскурсиялар ва экспедицияларни ташкил этиш, шунингдек, ўлкашунослик фаолияти ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усулларини қўллаш билиш
<b>Зарур билимлар</b>	Инсон капиталини ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялашнинг классик ва замонавий назариялари ҳамда шахслараро ва ижтимоий алоқа жараёнларини
	Ёш педагогикаси, психология асослари, болалар билан тарбиявий иш олиб бориш методикаси ва техникасини
	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик асослари, таълим тўғрисидаги қонунлар ва умумий таълимнинг давлат талим стандартларини
	Таълим (педагогик) тизимларини тарихи, назарияси, қонуниятлари, барпо этиш тамойиллари ва фаолият юритилиши, таълимнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини
	Дидактика асослари, кўп маданиятли таълим, ижтимоий тармоқларда ўзини тутиш қонуниятларини
	Ёшга доир ривожланишнинг асосий қонуниятлари, шахсининг ривожланишдаги инкироз босқичлари ва ижтимоийлашуви, ҳаёт траекторияларининг кўрсаткичлар ва индивидуал хусусиятлари, ва уларнинг мумкин бўлган ўзгаришлари, уларни аниқлаш усулларини
	Тарбиявий ишларнинг методик асослари, фаолиятли ёндашувнинг асосий тамойиллари, замонавий педагогик технологиялар турлари ва услубларини
	Таълим муассасаси ҳудудидан ташқарида тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий, йўриқнома ва кўрсатма ҳужжатларни (экскурсиялар, саёҳатлар ва экспедициялар)
<b>Бошқа тавсифлар</b>	Ҳуқуқий, ахлоқий ва ахлоқий меъёрларга, касб этикаси талабларига риоя қилиш, маданий хилма-хилликни тарғиб қилиш; адолат ва холисликни тушуниш ва таъминлаш, ҳар бир боланинг индивидуаллигини ҳурмат қилиш; ҳар бир боланинг кадр-қимматини тан олиш; барча болалар ўрганиши ва ривожланиши мумкинлигига ишонч.
	Тарбиявий фаолиятни ташкил этиш ўз ичига шахсни ривожланишини қўллаб-қувватлашга ва ҳар бир ўқувчининг характер хусусиятларини шакллантиришга имкон берадиган; ўқувчиларнинг эмоционал ва ижтимоий компетенцияларини ривожлантириш, ўқувчилар гуруҳида ижобий муносабатларни шакллантириш ва дарсларда гуруҳ жараёнларини бошқариш; ўқувчиларнинг индивидуал эҳтиёжлари ва муаммоларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ва уларга жавоб бериш компетенцияларни олади

### 3.1.5. Мехнат вазифалари

Номланиши

Хавфсиз ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш ва таъминлаш

Коди

A/05.6

Малака даражаси

6

Мехнат  
вазифаси

Асли ("+" белгиси қўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси қўйилади)	Аслининг	
		Коди	рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

Мехнат ҳаракатлари	Ўқувчилар эркин ривожланишлари ва ўзларини намоён эта олишлари учун ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш
	Жинси, миллати, маданияти, она тили, дини, оилавий ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва / ёки алоҳида эҳтиёжларидан қатъий назар, ҳар бир ўқувчига ўқиш ва синф ҳаётида қатнашиш учун тенг имкониятлар яратиш
	Низоли вазиятларни этарли даражада ҳал қилиш
	Ўқувчиларга хавфсизлик қоидаларини махмуни ва уларга риоя қилиш асосларини тушунишга ва унга риоя қилишга ёрдам бериш
	Ўқувчиларни синф(гуруҳ)даги ва мактабдаги одоб-ахлоқ қоидаларини яратиш ва унга риоя этишга жалб қилиш
	Ўқувчиларга турли хил таҳдидларнинг моҳияти, фавқулодда вазиятларда процедураларнинг мазмуни ва ҳаракатлар кетма-кетлигини тушунтириш
	Ўқувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган аниқ кўрсатмалар бериш орқали синф(гуруҳ)даги ўқувчилар фаолиятини бошқариш
	Ўқувчиларнинг махсус таълимий эҳтиёжлари асосида индивидуаллаштирилган иш олиб бориш
Зарур кўникмалар	Ўқувчиларга замонавий оммавий ахборот воситалари дунёсида хавфсиз ишлашга ёрдам бериш
	Мазмунли таълим муҳитини ташкил қилиш ва ўзгартириш
	Турли маданиятдаги болалар ўспиринлар билан ишлашга имкон берадиган маданиятлараро компетенцияларга эга бўлиш
	Ўқувчиларга ўзларининг асосланган ва масъулиятли қарорларини қабул қилишларига ёрдам бериш
	Ўқувчиларда фуқаролик компетенциялари ва медиа саводхонлигини шакллантириш
Зарур билимлар	Фавқулодда ёки хавфли вазиятларда малакали ҳаракат қилиш, керак бўлганда, биринчи ёрдам кўрсатиш
	Инсониятни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялашнинг классик ва замонавий назарияларини

	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг низомларини
	Шахслараро ва ижтимоий мулоқот жараёнларини
	Ўқувчининг муносабати ва хулқ-атворини шакллантиришда ўқитувчининг аҳамиятини англашни
	Таълим жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш учун соғлиқни сақловчи муҳитни яратишнинг миллий хусусиятлари
	Таълим муассасаларида меҳнат гигиена қоидалари ва техника хавфсизлиги қоидаларини
	Ҳаёт хавфсизлиги асосларини
	Кўп маданиятли таълимнинг дидактикаси, ривожланиш психологияси ва педагогикаси асослари, ижтимоий тармоқларда ўзини тутиш қонуниятлари.
<b>Бошқа тавсифлар</b>	<p>Ҳуқуқий, ахлоқий ва одоб меъёрларга, касб этикаси талабларига риоя қилиш, маданий хилма-хилликни тарғиб қилиш; адолат ва холисликни тушуниш ва таъминлаш, ҳар бир боланинг индивидуаллигини ҳурмат қилиш; ҳар бир боланинг кадр-қимматини тан олиш; барча болалар ўрганиши ва ривожланиши мумкинлигига ишонч; ҳар бир боланинг индивидуаллигини ҳурмат қилиш; ҳамдардлик, дунёни бола ва унинг ҳиссиётлари, фикрлари ва қадриятлари нуктаи назаридан идрок этиш.</p> <p>Хавфсиз ривожланаётган таълим муҳитини яратиш ва таъминлаш барча ўқувчиларнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ва уларнинг юқори даражадаги ютуқларига ҳисса қўшадиган таълимий муҳитни ташкил этиш бўйича ўқитувчининг компетенциясини белгилайди</p> <p>Ўқув жараёни стресс ва кўрқувсиз, қизиқарли ва қўллаб-қувватловчи муҳитида амалга оширилиши учун педагог ўқувчининг интеллектуал ва ижтимоий-эмоционал ривожланиши учун қулай шароитларни яратиши лозим</p>

### 3.2. МЕҲНАТ ВАЗИФАЛАРИ

Номланиши

Коди

Малака даражаси

Меҳнат  
вазифаси

Асли ("+" белгиси қўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси қўйилади)	Аслининг	
		Коди	рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

Мос лавозимлар (номланиши)	Ўқитувчи Бошланғич (кичик) синфлар ўқитувчиси
-------------------------------	--

	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси
<b>Таълим ва ўқитишга қўйиладиган талаблар</b>	Олий маълумот - биринчи даража (бакалавр даражаси). Бўлимларнинг малакасини ошириш дастурлари. Касбий фаолият соҳасидаги амалий тажриба
<b>Амалий иш тажрибасига қўйиладиган талаблар</b>	Тоифасиз ўқитувчи - иш тажрибаси талаб қилинмайди 2-тоифали ўқитувчи - камида 3 йиллик иш тажрибаси 1-тоифали ўқитувчи – камида 5 йиллик иш тажрибаси Олий тоифали ўқитувчи - камида 8 йиллик иш тажрибаси
<b>Фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш учун махсус талаблар</b>	Таълим йўналиши – “Таълим ва педагогика” ёки таълим берилаётган фанга мос келадиган соҳада (кейинчалик педагогик фаолият соҳасидаги касбий қайта тайёрлаш билан). Бошланғич (кичик) синф ўқитувчилари ишга қабул қилинаётганида, ўрта махсус касб-ҳунар таълими (техникум, касб-ҳунар коллежи)га йўл қўйилади. Педагогик фаолиятга қўйилмайдиган шахслар: кучга кирган суд ҳукмига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар; таркиби ва турлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган жиноятлар учун аввал ёки ҳозирги даврда жиноий жавобгарликка тортилганлар; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганлар; белгиланган рўйхат бўйича касалликларга эга бўлганлар.

**Қўшимча тавсифлар:**

<b>Ҳужжатнинг номланиши</b>	<b>Коди</b>	<b>Асосий гуруҳ, лавозим (касб) ёки мутахассислик (ихтисослик)нинг номланиши</b>
ХАЛИКК-2017	2310	Ўқитувчи
ХАЛИКК-2017	2330	Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси
ХАЛИКК-2017	3310	Бошланғич (кичик) синфлар ўқитувчиси

**3.2.1. Мехнат вазифалари**

Номланиши

Ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий ўсиш

Коди

B/01.6

Малака даражаси

6

Меҳнат  
вазифаси

Асли ("+" белгиси қўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси қўйилади)	Аслининг	
		Коди	Рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

Меҳнат ҳаракатлари	Мунтазам малака ошириш курсларидан ўтиш
	У доимий равишда фанга оид адабиётлар билан танишиб, янги билимларни амалиётда қўллаш
	Семинар ва тренингларда, шунингдек касбий ривожланишни таъминлашга қаратилган бошқа тадбирларда қатнашиш
	Мақсади ишни такомиллаштириш ва тажриба алмашишдан иборат бўлган мактабнинг "услубий кенгашлари"да қатнашиш
	Ўзаро дарсларда қатнашиш, уларни таҳлил қилиш, ундан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш
	Ўз тажрибасини намойиш этиш учун очиқ дарсларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш
	Ўзининг таълим фаолиятини (кучли ва заиф томонларини) этарлича баҳолаш ва касбий ривожланиш эҳтиёжларини белгилай олиш
	Ўзининг иш амалиётида керакли ўзгаришларни амалга ошириш
Зарур кўникмалар	Ўзингизнинг касбий ўсиши, шу жумладан ўз-ўзини ривожланиш йўлини аниқлаш
	Ўзининг таълим фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, модификацияни талаб қиладиган йўналишларни аниқлаш
	Касбий ривожланишида АКТ муҳитидан фойдаланиш
	Фаолиятида чет тилидан фойдаланиш (зарурият бўлганда)
Зарур билимлар	Ўз-ўзини баҳолаш жараёни, кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш
	Ўзининг касбий ривожланишини режалаштириш
	АКТ технологиялари
	Хорижий тил
	Нутқ маданияти
Бошқа тавсифлар	Ҳуқуқий, ахлоқий ва одоб меъёрларига, касб одоби талабларига, ижтимоий компетенцияларга риоя қилиш.
	Ўз-ўзини такомиллаштириш ва касбий ривожланиш ўзини

	Ўзи баҳолаш ва касбий ўсишни бошқариш бўйича компетенцияларни назарда тутати, яъни: касбий ривожланиш учун ўз эҳтиёжларини англай олиш ва таҳлил қила билиш, ўқитувчининг ихтиёридаги воситалардан (мутахассислик бўйича материаллар ва адабиётлар, малака ошириш курслари, бошқа мутахассисларнинг экспертизалари, ўз фаолияти натижалари) узлуксиз касбий ривожланиш мақсадида фойдаланиш ва бошқариш.
--	--

### 3.2.2. Мехнат вазифалари

Ҳамкасблар ва таълим олувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик

Коди **В/02.6**

Малака даражаси **6**

Мехнат  
вазифаси

Асли ("+" белгиси қўйилади)	Аслидан фойдаланилган ("+" белгиси қўйилади)	Аслининг	
		Коди	Рўйхатдан ўтказилган рақами
+	-		

<b>Мехнат ҳаракатлари</b>	Ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) таълим жараёнига жалб қилиш
	Ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) синф ва мактаб ҳаётига жалб қилиш
	Ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) ўқувчиларни ривожланиши ва таълим муҳити тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этишга жалб қилиш
	Ўқувчининг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаштириш ва тўғрилаш учун ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар билан ўзаро алоқада бўлиб, таълим натижаларининг барча турларига (фан, мета-мавзу ва шахсий) эришиш вазифаларига мувофиқ равишда ҳамкорлик қилиш
	Тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда ва ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашда бошқа педагогик ходимлар ва мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва бўлимлари (Ёшлар иттифоқи) билан ҳамкорлик қилиш
<b>Зарур кўникмалар</b>	Жамоада ишлаш
	Касбий муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилиш учун бошқа ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳамкорлик қилиш
	Турли хил муҳитда ҳар хил эмоционал ҳолатлардаги одамлар билан алоқа қила билиш
	Маҳаллий ҳамжамиятнинг ўзига хос хусусиятларини англаш ва ўқувчилар манфаати учун ҳамкорлик қилиш

<b>Зарур билимлар</b>	Самарали ижтимоий мулоқот асослари
	Ҳамкорликнинг шакл ва усуллари, индивидуал ва жамоавий ишлаш хусусиятлари
<b>Бошқа тавсифлар</b>	Ҳуқуқий, ахлоқий ва одоб меъёрларга, касб этикаси талабларига, юқори ахлоқий фазилатларга риоя қилиш
	Жамоа ва ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) билан ҳамкорлик қилиш ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) ва мутахассислар билан самарали ҳамкорлик қилиш стратегиясини яратиш ва болаларнинг ўқиши ва фаровонлигини ошириш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатларни режалаштириш бўйича компетенциялар мажмуини ўз ичига олади
	Ўқитувчи оилалар ва умумтаълим ташкилоти ўртасида доимий икки томонлама мулоқот ва ўзаро алоқаларни ривожлантириш орқали болаларнинг ўқиши ва келажаги учун барча томонларни манфаатлари ва мажбуриятларини тан олишга ёрдам беради.

#### IV. БЎЛИМ

### КАСБ СТАНДАРТИНИ ИШЛАБ ЧИҚҚАН ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

#### 4.1. Ишлаб чиқишга масъул ташкилот

<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ</b>	
(ташкилот номи)	
Вазирнинг биринчи ўринбосари	Шарифходжаев Усман Улфатович (раҳбарнинг лавозими ва Ф.И.О.)
	 (имзоси)

#### 4.2. Ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг номлари

т/р	Номланиши
1.	А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги
3.	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)